

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ТАҲЛИЛ ФУНКЦИЯСИ: МЕТОДЛАР, ЁНДАШУВЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ҳасанбой Мадолимов

Аннотация: Уибу мақолада журналистиканиң таҳлил функцияси бугунги кунда ўзбек матбуотида қўлланилиши тўғрисида сўз боради. Таҳлил функцияси бажарилишида қандай методлардан фойдаланилаётганлиги, бунда нашрларнинг самарали фаолияти таъминланиши масалалари ҳамда турлича ёндашувлар атрофлича баён этилган.

Калит сўзлар: информация, таҳлил, метод, баҳолаши, прогноз, мақола, факт, синтез, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, аҳлоқий, маданий.

Информацияларни тезкорликда етказиб беришдан сўнг маълумотлар таҳлилига ўтилади. Бу эса бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар келажакда нималарга сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ахборотларни тақдим этишга асос бўлади. Журналистлар маълумотлар билан ишлаш жараёнида бўлиб ўтган ёки содир бўлаётган воқеаларнинг асл сабабини ўрганишади. “Улар тартибсизликлар, қўзғолонлар ёки сиёсий дебатлар каби мураккаб вазиятлар динамикасини таҳлил қилишлари, умумий нотўғри тушунчаларни намойиш этишлари ва ҳар кимга мураккаб муаммоларнинг мумкин бўлган ечимларини кўришга ёрдам беришлари мумкин.”¹

Воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишда, албатта, омма эҳтиёжлари ўрганилган ҳолда амалга оширилади. Бугунги жамият учун зарур бўлган билим фақат воқеа-ҳодисалар ҳақида инфомацияларга эга бўлишдангина иборат бўлмагандек унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари тўғрисида воқифликка бўлган эҳтиёж ҳам турлича бўлади. Шунинг учун журналист бирон таҳлилий материал тайёрлашда воқеа-ҳодисани қайси шаклда ёритишга ўз аудиториясини аниқлаган ҳолда ёндашади.

¹ Gray J., Bounegru L., Chambers L. The data journalism handbook. Amsterdam university press. 2021. 313 s.
www.tadqiqotlar.uz

Журналистиканинг таҳлил функцияси воқеа-ҳодисаларнинг номаълум жиҳатларини ёритиб бериш экан, бунда шу воқеа-ҳодисаларнинг бевосита гувоҳлари, иштирокчилари ёки тегишли соҳа мутахассиларидан батафсил маълумотлар олишади. Масалан, “Халқ сўзи” газетасининг 2023 йил 19 декабрдаги сонида² “Ўзбекистон республикаси қонуни: Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 18 декабрда президент томонидан имзоланган қонун матни эълон қилинган. Шу қонун мазмунини тушунтириш учун “Халқ сўзи” газетасининг 2023 йил 22 декабрь сонида³ “Сайлов ва референдум ўтказиш: демократик қоидалар ва янгича ёндашув” сарлавҳасида сұхбат берилган. Берилган сұхбатда қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши сабаблари ва мазмуни изоҳланиб, очиб берилган.

“Таҳлилий журналистика мустақил йўналиш сифатида маълум муаммони тадқиқ қилиш чоғида баҳолаш, таҳлил қилиш ва прогнозга эга бўлган ҳамма нарсани ўз ичига олади. Қатъий талабдан келиб чиққанда, жиддий журналистика - бу таҳлилий, интеллектуал ёки сифатли журналистиканинг ўзидир. Таҳлилий журналистканинг ўзига хослиги унинг нафақат фактларни маълум қилиш, балки тадқиқ қилиш, таққослаш, қиёслаш, улар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини топишга қодирлигида намоён бўлади.”⁴ Бундан ташқари журналист кузатувлари жараёнидан келиб чиқиб, маълум таклифлар ҳам бериши мумкин. Масалан, “Ишонч” газетасининг 2022 йил 4 октябрь сонида⁵ “Муаммонинг илдизи қаерда?” сарлавҳасида материал берилган. “Эсингизда бўлса, бундан бироз аввал ижтимоий тармоқларда Яккабоғ туманидаги Кунжутлитепа археологик ёдгорлиги маҳаллий фуқаро томонидан бузиб ташлангани ҳақидаги хабар тарқалган ва мунозараларга сабаб бўлганди.” Мақола шу лид билан бошланган

² Ўзбекистон республикаси қонуни: Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида // “Халқ сўзи” газетаси, 2023 йил 19 декабрь

³ Ашурова З. Сайлов ва референдум ўтказиш: демократик қоидалар ва янгича ёндашув // “Халқ сўзи” газетаси, 2023 йил 22 декабрь

⁴ Маматова Я., Қосимова Н. Замонавий масс-медиада шарҳ. Тошкент: “Тамаддун”, 2022, 6-бет

⁵ Абдиев А. Муаммонинг илдизи қаерда? // “Ишонч” газетаси, 2022 йил 4 октябрь

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

бўлиб, муаллиф кўтарилигдан масала юзасидан воқеа жойига боради ва аниқ сонларга асосланиб мавзу тадқиқи билан шугулланади. Мақола муаллифи ўзи ўрганган фактларни солиштириб, муаммонинг сабабини аниқлашга уринган. Бунга мисол тарзида мақоладан парча келтирсак: “Туманлардаги археологик обьектларни қўриқлаш эса жамоатчи назоратчилар зиммасида бўлиб, уларга бу вазифа ўша худудлардаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан юклатилади. Жамоатчи назоратчилар, табиийки, бу ишлари учун ҳеч қандай маош олмайдилар. Жуда кўп археологик обьектлар панжара билан ҳам ўралмаган.

Ўйлаб қоласан киши, балки шу сабаблар Яккабоғдаги каби қонунбузарликка йўл очиб бермадимикан?”

Шу ўринда автор масалани кенг тарзда ўрганиб чиққанлиги учун ўз таклифларини ҳам бериб ўтган. Масалан, “Зар қадрини заргар билади. Қашқадарёда мингдан зиёд археологик ёдгорлик бўлса, уларнинг қанчасини биламиз? Тарихдан сўйловчи обидалар ҳақидаги маълумотлар аҳолига, ёш авлодга қанчалик кўп ва тўлиқ етказилса, уларда ҳам муайян тушунча, ўтмишимизга бўлган қизиқиш ҳамда ҳурмат шаклланарди. Кўриб тургани оддий тепалик ёки эски иморат эмас, балки узоқ тарихни бизга англатгувчи нодир обьект эканини англаб етармиди?”

Кўриб ўтган мақоламизда муаллиф худуд ва ҳолат юзасидан информация берган, аудиторияни фактлар билан таништириб, баҳолаб, таҳлил қилган. Шу билан бирга ҳолат юзасидан муаммони олиб чиқиб, унинг ечимлари ҳақида ҳам айтиб ўтган. Ҳолатни бевосита кузатган мақола муаллифи масалани фактлар асосида ифодалаб берган. Кузатишлари натижасида муаммони ҳал этиш борасида бир қанча саволлар юзага келган. Яъни, масъуллар ҳал этишлари лозим бўлган масалалар юзага чиқариб берилиган.

Юқоридаги фикрлардан англашиладики, таҳлил функциясининг бажарилишида турли хил методлардан фойдаланилади. Масалан, “Халқ сўзи” газетасининг 2023 йил 30 декабрь сонида⁶ “Бозорлар файзи – дастурхон кўрки”

⁶ Бозорлар файзи – дастурхон кўрки // “Халқ сўзи” газетаси, 2023 йил 30 декабрь

www.tadqiqotlar.uz

16-to'plam 1-son fevral 2025

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

сарлавҳасидаги материалда синтез методини кўришимиз мумкин. Газетанинг 2020 йил 5 май сонида “Маънавият” рукни остида берилган “Жон ичра жоним менинг”⁷ сарлавҳали мақола муаллифи ўзбек тили тарихи ҳамда бугунги кунини тадқиқ этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган. Бунда таққослаш, қиёслаш усуулларини кўриш мумкин.

Умуман олганда, турли методлардан фойдаланиш мавжуд вазият, ҳолатларни хилма хил “ракурс”дан ёритиб беришга хизмат қиласди. Сабаби, аудитория воқеа-ҳодисага ўз тушунчаси, ёндашувига кўра муносабат билдиради.

Воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишда турли соҳаларга кўра, сиёсий, иқтисодий, хуқукий, ахлоқий, маданий ва бошқа жиҳатлардан ёндашилади. Масалан, йўл ҳаракатига оид масалага “Ишонч” газетасининг 2020 йил 20 январдаги сонида⁸ иқтисодий-хуқукий, 2022 йил 20 январь сонида⁹ эса маърифий жиҳатдан ёндашилган. Чунки воқеа-ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганиш аудитория эҳтиёжидан келиб чиқади. Ҳар жиҳатдан ёритилган материал маълум соҳа вакилларигагина зарур деган хулоса, албатта, мантиққа тўғри келмайди. Ҳар кимнинг қизиқиши ҳамда заруриятдан муайян информацияга эҳтиёж сезиши табиий ҳол.

Бугунги кунда реципиент информация олишда кенг имкониятларга эга. Олинган ахборотларнинг ички моҳиятини англаб етишда таҳлилий материаллар улар эҳтиёжини қондириш учун етарли даражада сифатга эга бўлиши керак. Зотан, аудитория фақат информация истеъмолчиларидан таркиб топган оммага айланиб қолмаслиги лозим. Айнан шунинг учун ҳам журналистиканинг таҳлил функциясида кўтарилиган мавзуларнинг мазмuni журналистика принципларига кўра, холис, ҳаққоний ва халқчил тарзда намоён бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Gray J., Bounegru L., Chambers L. The data journalism handbook. Amsterdam university press. 2021. 313 s.

⁷ Султон И. Жон ичра жоним менинг // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 5 май

⁸ Нўймонов Н. “Йўл ҳаритаси” хуқукий хужжатга асосан тайёрланадими ёки кўнгил майлига? // “Ишонч” газетаси, 2020 йил 20 январь

⁹ Абдураҳмонова Ш. ЙТХ “пандемия”си // “Ишонч” газетаси, 2022 йил 20 январь

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Журналистика: босма оммавий ахборот воситаларида жанрлар ва маҳорат масалалари. V жилд. – Тошкент, “O’zbekiston”, 2019. 510 б.

Маматова Я., Қосимова Н. Замонавий масс-медиада шарҳ. Тошкент: “Тамаддун”, 2022,

Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: Университет, 1998. – 175 б.

Худойқулов М. Матбуотнинг асосий функциялари. // ЎзМУ хабарлари. 2011, № 3, 54-58 б.